

ЖАДИДЧИЛИК МАЪРИФАТЧИЛИГИ ТАРИХИДА ЎЗБЕК ХАЛҚИ ИДЕНТИКЛИГИ ВА АКЦИОЛОГИК ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ НОМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТИ

Одинаева Зебинисо Иброхимовна

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Миллий Университети

ARTICLE INFO.

Ключевые слова: идентичность, национализм, джадидизм, джадидское движение, Просвещение, идеи Просвещения, идентичность, национальная ценность, история, историческая память.

Аннотация

В данной статье изложены научно-теоретические мнения о невозможности идей современного просветительства, имевших место в истории узбекской идентичности. Стратегические цели современного инновационного развития нашей страны были предусмотрены в политической программе модернизма сто лет назад. Главное и самое большое возражение этой доктрины проблемам своего времени состоит в том, что государство, народ в своих нижних жилах потеряли основную цель, профессию, рациональный анализ и ценностные основы, сбились с пути. Интересно, что идеология джадидов почти столетие была скрыта от собственного народа, но благодаря богатству содержащейся в ней мирской мысли попала в поле зрения зарубежных исследователей.

В этом смысле в статье освещается суть движения джадидизма и идея исчезновения национальной идентичности путем переосмысления узбекской национальной идентичности как периода раннесредневекового Возрождения.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2024 LWAB.

Мустамлака сиёсати давридан кейин, деяри бир асрга тенг вақтдан сўнг тоталитар жамият тарихида катта байналмилал совет оиласида феодализмни ҳам тўлиқ босиб ўтмай, социализмга кадам қўйиб, колоқ, оми халқдан маърифатли халққа айланган, деб уқтирилган ўзбек халқи тарихида ўз фикри ва мақсадига эга бўлган таълимотлар, ҳаракатлар борлиги ошкор бўлди. Жади́дчилик, Америка олими Адиб Халиднинг таъбири билан айтганда, ғоят прогрессив таълимот XX аср сўнгида ўзининг кафш этилишига қарамай, ўзбек халқи тарихини миллий мерос, фан, адабиёт, кадриятлар фонида замонавий Ўзбекистон билан боғлади. Ҳозирги инновацион тараққиётнинг юртимизда халқ олдига қўйилган стратегик мақсадлари бир аср аввалоқ жади́дчилик сиёсий дастурида кўзда тутилган эди. Бу таълимотнинг ўз даври муаммоларига энг асосий ва катта эътирози, давлат, халқ ўзининг тағ томирларидаги тутиб турувчи мақсадни, маслакни, ўзини англаш йўлидаги рационал таҳлилни ва кадриятий асосларни йўқотган, йўлидан адашган эди. Қизиқ томони шундаки, жади́д мафқураси деяри бир аср давомида ўз халқидан яширилди, лекин таркибидаги дунёвий тафаккур бойлиги туфайли ҳориж тадқиқотларининг назарига тушди. Ҳорижда жади́дшунослик бу таълимотнинг вужудга келган пайтиданок

параллел ривожланди. Ўз худуди ва ворисларидан четлаштирилган ушбу тарих пайдо бўлган даврдан бошлаб ҳозиргача ҳорижий ижтимоий фанларнинг эътиборидадир¹. Ушбу ҳаракат ҳақидаги жиддий фикрлар, унинг салмоғи ва Шарқ халқлари мустамлака давридаги ноёб ҳодисалиги тўғрисидаги муҳим илмий хулосалар ҳам кўпроқ ғарб жадидушunosлари томонидан билдирилган. Жадишлик Туркистонинг XIX аср ва XX аср бошларидаги барча соҳалари: иқтисодиёт, сиёсат, маданият, маърифат, илм-фан, дин билан чамбарчас боғлиқ ва бугунги кундаги жуда кўп муаммоларини кўтарди. Ўзбекистонга нисбатан шаклланаётган геосиёсий қизиқишлар, давлатчилик тарихи, миллий идентификация ва ислом динининг ушбу ҳудуддаги маънавий муаммолари замонавий даврдан юрт тарихига жадишлик чорраҳасидан ўтади. Ўзбек халқининг миллат бўлиб шаклланиши, мустақил давлат ғояси, миллий ўзликни англаш, халқ тафаккурини тубдан ўзгартириш масалаларини биринчи бўлиб жадишлар кўтарган миллий давлатчилик масалаларидир.

Туркистоннинг миллий илдизларига путур етказиш, 1924 йилда амалга оширилган «болта билан бўлиш» сиёсатининг натижаси ўлароқ жадишликка қарши ҳужумнинг ҳуружи бошланиб кетди. Жадишликнинг айнан миллий ҳаракат эканини, ўз моҳиятида миллий ғоя ва давлатчилик мақсадлари ва қадриятларини кўрсатиб бериш, маҳаллий халқнинг миллий ўзликни англашга сафарбар этиб турган интеллукуал салоҳият қатлами бўлганлигини алоҳида таъкидлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жадишлар турли мамлакатлардаги тараққиёт, ислохотлар учун олиб борилган ҳаракатларнинг фалсафий тажрибасига таяниб, бу тажрибани миллий асосда қайта ишлашга интилди, айни пайтда ижтимоий тараққиёт йўллари ҳақидаги турли қарашларнинг тўқнашув майдони ҳам бўлди. Мустамлакачиликка қарши курашнинг бош ғояси ана шу мураккаб йўлда шаклланиб етилди. Жадишлик жаҳон ижтимоий ва миллий қадриятларга асосланган оқим бўлиб, Ўрта Осиё маҳаллий туб аҳолиси манфаатларига жавоб берган ва ижтимоий тараққиётнинг пишиб етилган эҳтиёжларини тўла қондира оладиган ҳаракат сифатида шаклланди. Жадишлик маърифат- парварликдан кучли сиёсий ҳаракатгача бўлган мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтди. Жадишлик ўз тарихида икки босқични ўтган. Биринчиси - маърифатпарварлик босқичи ва иккинчиси - сиёсий босқич. Лекин жадишларнинг давлатчилик масаласига қарашлари биринчи даврданоқ шакллана бошланган ва иккинчи босқичда аниқ бир шаклга келган десак бўлади.

Икки ёқлама мустамлакачилик ва маҳаллий зулм остида эзилиб келган халқ оммасининг оғир иқтисодий аҳволи, Туркистон, Бухоро ва Хива хонлиқларининг жаҳоннинг иқтисодий тараққий этган мамлакатларидан анчагина орқада қолиб кетганлиги, маданий таназзул ҳамда эркин фикрнинг қотиб ривож топмаётганлиги каби ҳолатлар жадишларни ижтимоий тараққиёт чораларини излаб топишга ундади. Туркистонда жадишлик ҳаракатининг раҳбарлари саналган Маҳмудхўжа Бехбудий ва Мунаввар қори Абдурашидхонов бирлаштирувчи ва жипслаштирувчи ролни ўйнашган. Бухорода - Файзулла Хўжаев ва Абдурауф Фитрат, Хива хонлигида эса - Полвонниёз Юсупов бу ҳаракатга бошчилик қилишган.

Жадишларнинг маърифатпарварлик мафқураси ижтимоий жиҳатдан анча бой ва ранг-баранг бўлган. Унда ҳозирги кунимизда ҳам жамиятни тўлқинлантирадиган, ҳаяжонга соладиган тарихий вазифа ва масалалар қаторига биз маънавий баркамолликка етишда динни тўғри англаб тушуниб етишимиз, ҳуқуқий ва бозор иқтисодиётига асосланган заминни вужудга келтириш жараёнини тезлаштириш, ривожланган илғор демократик институтларни бунёд қилиш, ўзига хос миллий ривожланишларни киритишимиз мумкин. Бу масалаларни ҳал этиб амалга оширишда муҳим омил сифатида исломнинг модернизациялашуви, уни қотиб қолган ақидалардан тозалаш, фан ва илғор технология ютуқларини эгаллаб бориш муаммолари майдонга чиқади.

¹ Khalid A. The Politics of Muslim Cultural reform. Jadidism in Central Asia. University of California press. London. 1998.

Жадидларнинг халқаро алоқа ва муносабатлари уларга Россия, Туркия, Миср, Эрон жадидларининг дастури билан танишиш имконини берди. Лекин Туркиядаги ёш турклар ва Эрон тараққийпарварлари тажрибаларини Туркистон жадидлари механик тарзда ва ўша қолипда ўзлаштириб олмадилар. Аксинча жадидлар Европа ва Шарқ мамлакатларининг давлат қурилиши ва қонун чиқарувчилик кенг тажрибаларидан, Россия ва Шарқ халқларининг мустамлакачиликка қарши демократик ҳаракатлар кураши усуллари ва дастурларидан манфаатларига ҳамоҳанг бўлган ва миллий маданиятга мос келадиган зарур ўринларни олдилар. 1914 йилда бошланган Биринчи жаҳон уруши жадидларнинг фикрларини анча сиёсийлаштирди. Бу даврга келиб жадидлар парламентар монархия тузуми ҳақида ёздилар, кишиларнинг давлат органларининг шакллантирувчи қонунлар чиқариш каби вазифаларда, давлатни бошқариш ишларида қатнашишлари ва иштироклари йўллари ва усуллари ишлаб чиқишга уриндилар.

1917 йилда февраль ойида Россияда содир бўлган демократик инқилобга қадар тараққийпарварлар оқимини ташкил қилган Туркистон жадидларининг кескин ҳаракат қилувчи қисми бир нечта сиёсий вазифаларни илгари сурди. Бу вазифалар орасида туркистонда яшовчи туб аҳоли ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтирилишини кўзда тутган ҳолда мамлакатни бошқаришда янги ислохотларни амалга ошириш, туркистонликларга муайян миқдорда Давлат Думасидан ўрин ажратиш, асосий эркин демократик қонунлар жорий этиш ва энг аввало миллий матбуот эркинлигига эришиш, чор якка ҳокимлиги тузуми ўрнига конституциявий бошқарув тузумини амалга ошириш каби талаблар ўрин олган эди.

Февраль демократик инқилоби натижасида ўрнатилган янги давлат тузумидан сўнг жадидлар Россия Федератив давлати таркибида Туркистон мухториятини ташкил этиш масаласини кўя бошладилар. Бу пайтга келиб миллий ижтимоий-сиёсий ташкилот ва партиялар ташкил топди, хусусан, жадидлар “Шўрои Исломия”, “Турон”, “Иттифоқ” каби ташкилотларни туздилар.

1917 йил давомида туб аҳолининг турли хил ижтимоий қатламларини жадидлар ўз ғоялари кетидан эргаштирдилар, халқ орасида, халқнинг онгида, тафаккурларида мусулмонлар бир бўлишлари лозимлиги зарурий туйғусини ҳис эттирдилар. Аммо, ҳеч қанча вақт ўтмай улар Муваққат ҳукумат ва унинг махсус ташкил этилган Туркистон Кўмитаси (Турккомитет Временного Правительства) ўлкада олдинги мустамлакачилик сиёсатидан воз кечмаганлигининг гувоҳи бўлдилар. Хусусан бу ҳолат 1917 йил ноябрь ойига режалаштирилган Таъсис Мажлисини чақириш ва уни тайёрлаш жараёнида юз берди.

Муваққат ҳукумат ўзининг тор, худбин манфаатлари доирасидан четга чиқмай, этилган туб масалаларни ҳал этишга ожизлик қилди. Натижада сиёсий тузумда ўзгариш бўлгани ҳолда, муҳим ижтимоий-иқтисодий, аграр, миллий, сулҳ масалалари амалда ечилмай қолаверди. Бу эса мамлакат ҳаётининг боши берк кўчага кириб, танглик, таназул ҳолатларининг кучайиб боришига сабаб бўлди.

Жадидлар мустамлакачиликни беаёв қаттиқ танқид қилиб, озодлик ва мухторият учун ҳаёт-мамот кураши вақти етиб келганини англаб етиб, аввалги конституциявий монархик тузум ғояларини рад этиб, Туркистонга Россия Демократик Федератив Республикаси таркибида миллий худудий мухторият берилишини талаб қила бошладилар.

«...Жадидларнинг ўша йиллардаги беқиёс хизматларидан яна бири барча Туркистон халқлари ва миллатларнинг қонун олдида тенглиги ҳақидаги ғоянинг илгари сури-лиши бўлиб, бунга кўра Туркистон фуқаролари жамият ҳаётининг барча иқтисодий-сиёсий, ҳуқуқий ва маданий жабҳаларида тенг ҳуқуққа эга бўлишлари лозим эди. Давлат мустақиллиги тўғрисидаги ўзларининг ғояларини Туркистон жадидлари мамлакатнинг турли ижтимоий кучлари билан келишган ҳолда ҳаётга татбиқ этишни лозим топдилар. Жадидлар Таъсис Мажлисидан жой эгаллаш учун кўб бор уринишга ҳаракат қилдилар, ҳатто бу жараёнда ўз сафларида тараққийпарварлар томонидан тузилган “Шўрои Исломия” ва жадидларнинг консерватив

қисмидан ташкил топган “Уламо” жамияти каби ташкилотларга бўлиниш юз берганлигига қарамасдан, бирлашиш йўлидан бордилар, пировардида бу Туркистон федералистларининг “Турк Адами марказияти” партиясининг вужудга келишига олиб келди. Бироқ Туркистондаги 1917 йил Октябрь воқеалари, большевикларнинг ҳокимиятга келиши жадиждларга ўз мақсад-ниятларининг амалга ошишига имкон бермади. Шунга қарамай, янги больше- вистик ҳокимиятнинг ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳақидаги декларациясига асосланиб, улар 1917 йил 26 ноябрда Қўқонда ўлка мусулмонларининг IV Фавкулудда курултойини чақирдилар ва Федератив Россия республикаси таркибида автономия ҳуқуқига асосланган Туркистон Мухториятини эълон қилдилар. Уч ойгина яшаган автоном республика тарихи қонли саҳифалардан иборат бўлиб, жадиждлар таъкиб остига олиндилар ва 1937 йилга келиб ғоявий қарашлари совет мафқурасига тўғри келмаганлиги учун кўпчилиги қатағонга учрадилар»².

Жадидчиликнинг тарихимизда тутган ўрни ва қиммати шундаки, илк бор мустақиллик миллий мафқурасига асос солди, ғафлат уйқусида ётган мазлум Шарқни уйғотди ва кўзини очди, озодлик, эрк, миллий ғурур ва шаън ҳақида, буюк аждодлари, бой маданияти, умуман мустамлака истибдоди даврида унутилаёзган кадриятлар тўғрисида жар солди, овоза қилди. Жадидларнинг буюк тарихий хизматлари шундан иборатки, улар мавжуд бўлган ижтимоий муаммоларни бартараф этишда тадрижий ислоҳот йўли асосидан бордилар, ижтимоий-даврий тузум ўзгаришларининг энг максимал эффектив йўлини таклиф қилдилар ва мустамлакачилик тартиботини йўқ қилишни талаб қилдилар.

Марказий Осиёнинг кўхна маданий ва диний марказлари Россия истило сига қадар мусулмон дунёсининг бошқа ҳудудлари билан қалин алоқада бўлгани маълум. Россиянинг замонавий тадқиқотчиларидан бири қадимий шаҳарлар, жумладан, Бухоронинг ўша даврдаги мусулмон ҳамжамияти ҳаётидаги аҳамиятини таъкидлар экан, шундан деб ёзган эди: “Бухорода ҳар доим ислом динининг илк асрларидаги ижодий руҳни тиклашни ёқловчи кишилар бўлган... Марказий Осиёдаги билан солиштириганда, татарлар заминидан на бир олий таълим мадрасаси ва на бирор арзирли кутубхона бор эди»³.

Жадидчилик топталган диний туйғу, поймол этилган мусулмончилик маданиятидан келиб чиққан ўнг ва сўл жадиждлар гуруҳидан ўсиб чиқди, лекин мутассибликка берилган диний омилдан кўра маърифат йўлини танлади. Маърифат келажаги бой берилётган Туркистон халқининг тикланиш йўли сифатида эътироф этилди. Жадидчилик ҳаракати замирида кучли идеологик истак ва миллий бирликни ташкил этишга бўлган изланиш мавжуд эди. Чунки бу таълимот истило сиёсатига альтернатив замонавий тараққий этган дунёга интеграциялаша оладиган Туркистонни кўяётган эди. Бу ҳақда миллатлар ҳақидаги назарияларнинг муаллифлари Лорд Актон ва Мирослав Хрох ўз асарларида таъкидлаб ўтгандек⁴, «миллат, ўзига тегишли бўлган давлатни қайтариб беришни талаб қилишдан бошлаб пайдо бўлади...бунда эса, энг муҳими, у ўзида одат бўлиб қолган итоаткорлик хусусиятини енга олиши, руҳан ўзини қўлга олиб, шармандали ҳолатлардан баланд келиши лозим»⁵, дейилади. Жадидчиликда мана шу миллат шаклланишининг сиёсий-ғоявий асосини кўриш мумкин. Шунингдек бу таълимотда ўша давр миллий муаммоларидан чиқиш йўлида умумий ғоявий кадрият Ватан озодлиги ғояси кўйилганини кўриш мумкин.

² “Жадид маърифатпарварларининг миллий таълим, матбуот, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва унинг Миллий ғоя тарғиботидаги аҳамияти” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари 2016 йил 15 апрель “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2016

³ Хабутдинов А.Ю. Лидеры нации. Казань, 2003, С.12.

⁴ Актон Л. Принцип национального самоопределения // Нация и национализм. Кол ав. - М.: Праксис, 2002. С. 26-52.; Хрох М. От национальных движений к полностью сформировавшейся нации: процесс строительства нации в Европе // Нация и национализм. Кол ав. - М.: Праксис, 2002. С. 121-152.

⁵ Актон Л. Ўша манба, 31-б.

Жадидчилик мустақиллик ғоясига маърифат орқали бормоқчи бўлди. Чунки XVIII-XIX асрда актуал бўлган масала маърифатпарварликда жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётини маърифат, илм-фанни ривожлантириш билан юксалтириш, ўзгартириш ғояси ҳар доим инқилобий ўзгариш ғоясига қарама-қарши қўйилган. Бутун Шарқ дунёси тараққийпарварлик мактаби билан яқиндан таниш бўлган жадидлар бу қонуниятни яхши билганлар.

Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Чўлпон каби жадидлар илмий меросида Туркистон маърифатпарварлигини ривожлантиришга бўлган ҳаракатни кўриш мумкин. Бу ғоянинг замири миллатпарварлик ҳаракати билан чамбатчас боғлиқдир. Айнан шунга кўра жадидчилик XIX аср охири ва XX аср бошларида Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган исломпарастлик ва туркпарастлик ҳаракатларидан моҳиятан фарқ қилади. Жадидчилик мафкураси миллий тараққиёт йўлини, маърифатпарварлик йўлини миллий идентиклик орқали, умуминсоний тараққиётга миллий бирликдаги маърифат, умуминсоний маданий қадриятларга интилиш орқали ҳал қилишга ҳаракат қилди.

Хулоса қилиб айтганда жадидчилик тараққиёт деганда, цивилизацион тараққиётни унга етиб боровчи маърифий концепцияни асосий инструмент сифатида олиб қарадилар. Миллий интеграцияни дунёвийлик ва миллий давлатчилик асосисиз бўлиши мумкин эмас эди. Давлатчилик асоси давлат фуқароларининг маърифий камолотида деб тушунилди. Қадриятий қарашларда бу даврда миллий озодлик, мустақил давлатнинг маърифатли фуқаролари маданияти ва дунёвийлик тамойиллари етакчилик қилди. Шунинг учун уларнинг миллий давлатчилик қарашларида ислом ва тараққиёт қарама-қаршилиги тушунчаси ўзаро бир-бирини ташкил этувчи тушунча ҳолида компетент ҳолда ҳал қилинган. Жадидчилик таълимотида янги маънодаги иқтисодий ва ижтимоий кучлар, прогрессив социал омиллар миллий ва диний идентификация жараёнига хизмат қилган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Khalid A. The Politics of Muslim Cultural reform. Jadidizm in Central Asia. University of California press. London. 1998.
2. “Жадид маърифатпарварларининг миллий таълим, матбуот, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва унинг Миллий ғоя тарғиботидаги аҳамияти” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари 2016 йил 15 апрель “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2016
3. Хабутдинов А.Ю. Лидеры нации. Казань, 2003, С.12.
4. Акто́н Л. Принцип национального самоопределения // Нация и национализм. Кол ав. -М.: Праксис, 2002. С. 26-52.; Хрох М. От национальных движений к полностью сформировавшейся нации: процесс строительства нации в Европе // Нация и национализм. Кол ав. - М.: Праксис, 2002. С. 121-152.
5. Акто́н Л. Ўша манба, 31-б.